Ушбу сонда:

2 Экология «ЭКО – ВОҲА» ИШ БОШЛАДИ

3 МИЛЛАТИМИЗ КЎЗ ҚОРАЧИҒИНИ АСРОВЧИ БИР КИПРИК ЭДИ

4 МИНИ ФУТБОЛ: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ КЎЧМА КУБОГИ УЧУН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 апрел, сешанба №69 (1286)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

«Навоий пахтасаноат» вилоят бирлашмаси мавсум мобайнида 25 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта толаси ишлаб чиқаришга эришди. Бу борада «Қизилтепа пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти ибратли иш юритмоқда. Корхонада сифатли тола тайёрлаш эвазига 100 миллион сўмлик қўшимча даромад олинди.

Вилоят бўйича қайта ишланган ялпи толанинг 40 фоизи қизилтепалик пахта тозаловчилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг муҳими, тайёр маҳсулотнинг 96 фоизи хорижга экспорт қилинаётир. Шунингдек, Навоий ва Хатирчи пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари ҳам тола ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш борасида яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

(ЎзА).

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда ёши улуғ инсонлар. отахону онахонларга эътибор бўлса, ўша жойдан файзу барака аримайди. Жамиятни тубдан ўзгартириш, соғлом авлодни тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибанинг, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг узвийлигида кексаларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш бугунги куннинг мухим вазифаларидан.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурида бу алоҳида йўналиш сифатида белгилаб берилган. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ушбу дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Қарияларга эҳтиром олий қадриятимиздир» мавзуидаги плакатни нашрдан чиқарди.

Унда кексаларни қадрлашдан иборат халқимизга хос қадимий анъаналар, оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришда қарияларнинг қўшаётган муносиб ҳиссаси ранг-баранг фотосуратларда акс эттирилган.

Плакат «Маънавият» нашриётида ўн минг нусхада чоп этилди.

(ЎзА).

Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамий 27 апрел куни Ўзбекистон Бош Вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Фанлар академиясида бўлиб, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди. «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзуида маъруза қилди.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Муҳаммад Ҳотамий мамлакатимиз илм аҳли эришаётган ютуқларга юксак баҳо берар экан, икки давлат олимлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Зеро, қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган икки халқнинг тарихий, маданий ва маърифий бойликлари жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бадиий академиясига ҳам ташриф буюрди. У Ўзбекистон ва Эрон миниатюра санъатининг бу ерда ташкил этилган илк кўргазмаси икки мамлакат маданий алоқаларидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Кўргазмага Эрондан Ф.Муҳфарид, М.Ҳунаркор, А.Таҳмосбий, Ўзбекистондан эса Ш.Муҳаммаджонов, А.Йўлдошев, Ш.Шоаҳмадов каби рассомлар қаламига мансуб суратлар қўйилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Муҳаммад Хотамий Ўзбекистон-Эрон маданий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик бир гуруҳ шарқшунос олим ва адибларга махсус мукофотларни тақдим этди. Шоислом Шомуҳаммедов, Нажмиддин Комилов, Аҳмад Абдуллаев, Жамол Камол, Асқар Маҳкам каби ижодкорлар Эрон ҳукуматининг ана шундай эътиборига сазовор бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Муҳаммад Ҳотамий бошчилигидаги Эрон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди.

У ерда шаҳарнинг қадимий меъморий обидаларини зиёрат қилди.

- Бухоройи Шариф аслида мустақил Ўзбекистоннинг бир шаҳри, - деди Эрон Президенти журналистларга берган интервьюсида. - Лекин у ҳозир бутун башарият мулкига айланган. Ҳадис илмининг султони Имом Ал-Бухорий шу муқаддас заминда таваллуд топган. Буюк табиб ва файласуф Ибн Синонинг ҳам киндик қони шу ерга тўкилган. Бухоро, булардан ташқари, яна жуда кўплаб буюк инсонларга Ватан бўлган юрт. Бу гўзал ва қадимий шаҳар зиёратидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

28 апрел куни эса Эрон Президенти Самарқандда «Фарм Доктор Обидий» Ўзбекистон-Эрон-Англия қўшма корхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Эронлик ишбилармон Обидий билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхона 26 турдаги антибиотик дори, ойига миллион донагача бир марта ишлатиладиган шприц, турли хил атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхона ишга тушиши билан икки юзга яқин одам иш билан таъминланди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон Эрон Қизил яримой жамияти томонидан ташкил этилган «Панжоб» поликлиникасининг очилиш маросимида иштирок этди. Самарқанднинг довруғини дунёга таратган кўҳна меъморий обиданларни зиёрат қилди.

Шундай қилиб, Эрон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, меҳмонлар бу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси, деб атади. Бунга асос етарли. Тошкентда Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Самарқандда эса ўзаро алоқалар ривожини намоён этадиган янги қўшма корхона ва тиббий муассаса ишга тушди. Мамлакатларимиз халқлари келгусида ўзаро ҳамкорликнинг бундай ютуқларига жуда кўп бор гувоҳ бўлишига шубҳа йўқ.

(ЎзА).

Автотранспортчилар шиори: ҲАР БИР ТАДБИР

меҳнаткаш турмуш тарзига ижобий таъсир ўтказсин

Ўзбекистон автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси тизимида айни пайтда 733 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш ва маданий-маърифий тарбиялаш Марказий қўмитасининг асосий вазифалари сирасига киради. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишга ижодий ёндошув ҳамда изланиш меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим дастуриламал эканлиги табиий. Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мен дастлаб ижтимоий шерикчилик масаласига эътиборни қаратмоқчи эдим. Табиийки, қадимдан халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Биз ҳам шунга амал қилиб, тармоқ касаба уюшмаларида юқоридан тортиб қуйи ташкилотларда ҳам иш берувчилар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу билан алоқамизни ривожлантира бориб, қонун устуворлигини корхоналарда доимий равишда таъминланишига алоҳида эътибор берилаётган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айни пайтда 6 та республика тармоқ бошқарув органлари ҳамда уларнинг жойлардаги бўғинлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу республика ҳукуматининг йиллик давлат дастурларини бажаришда ҳамда халқимизнинг турли қатламларини ҳамкорликда иқтисодий ҳимоялашда ишончли восита бўлмоқда.

Шу сабабли ўтган йили Марказий қўмита турли соҳаларга доир давлат дастурларини ишлаб чиқишда асосий ташаббускорлардан бири бўлди. Мазкур дастурлар бажарилишининг назоратини ҳамкорликда амалга оширдик. Бу нафақат дастурларнинг тўлиқ бажарилишини, балки, касаба уюшмалари нуфузини ҳам анча оширди.

Маълумки, тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда асосий омил ҳисобланади. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда ижтимоий ҳамкорлик қандай бўлишлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Қувончлиси шуки, ҳар бир соҳада ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жамоа шартномаларини тузишда ҳамда уларни тўлиқ бажаришда бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиқмоқдамиз. Шу ўринда биз иш берувчилар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорликни йўлга қўяётирмиз. Башарти, касаба уюшмаларининг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам асосий мақсадлари меҳнаткашлар фаровонлиги экан, биргалашиб ишлаганга не етсин?

(Давоми 2-бетда)

Навбаҳор туманида 750 ўқувчига мўлжалланган санъат коллежи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Айни кунларда бу ерда охирги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу юмушни Навоий вилояти қишлоқ қурилиш ташкилоти бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Улар мазкур коллежни ҳозирги замон талаблари даражасидаги кошонага айлантиришга ҳаракат қилишаётир.

Суратларда: ўқув биносининг умумий кўриниши; (чапдан) қурувчилардан О.Очилов, Б.Содиров, Н.Умаров, А.Нормуродов ва Р.Рўзиевлар навбатдаги қилинадиган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ВАТАН МАДҲИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрамининг навбатдаги босқичи якунланди. Танловда 24 нафар осойишталик посбони Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлари билан иштирок этди.

Кўрик-танловда Тўрткўл тумани ички ишлар бўлимининг ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш нозири, милиция лейтенанти Ирисгул Рамазонова биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиб танловнинг шу йил май ойида Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими бўйича ўтказиладиган республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎзА).

ХИТОЙ БАНКИРЛАРИ МЕҲМОНИМИЗ

Мамлакатимизда Хитой Экспорт-импорт банки президенти Янг Цзилин раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

29 апрел куни хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат молиявий муассасалари ўртасидаги хамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган янги лойиҳалар борасида фикр алмашилди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА).

СИҲАТГОҲГА СОВҒА

«Паландара» сиҳатгоҳи ўқув-тарбия маскани сифатида ҳам яхши таниш. Айни пайтда бу ерда 130 нафар бола даволанмоқда. Ўқув-тарбия ишларини эса Амин Ғупронов олиб боради. Бош тарбиячи Ўктам Дўстмуродов ва мусиқа раҳбари Шавкат Дўстмуродовлар ҳам қўли-қўлига тегмайди.

Сиҳатгоҳда ўтказилаётган мушоиралар, бадиий кечалар болаларда катта таассурот қолдирмоқда. Шундай тадбирлардан бири «Иқбол» кўрик-танлови деб аталди. Унда сиҳатгоҳда даволанаётган болалар ўзларининг зукколикларини ва билимдонликларини намойиш этдилар.

Кўрик-танлов ғолибларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман ҳамда тиббиёт муассасалари бўлимларининг совғалари топширилди. Уларга футбол тўпи, соат, шахмат тахтаси топширилди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

«МЕН РАҲБАРМАН, МЕНИКИ ТЎҒРИ»

қабилида иш юритиш ноқонуний қарорлар қабул қилинишига сабаб бўляпти

Бозор иқтисодиёти шароитида бепарволик, ваъдабозлик, бокимандалик иллатига берилган баъзи раҳбарлар ўрнини ислохотлар мохиятини яхши тушунган, одамларни эзгу максад сари сафарбар эта оладиган, хизмат бурчига садоқат билан ёндошадиган ходимлар эгаллаб, уларнинг аксарияти конунга таяниб, иш олиб боришмоқда. Зеро, конун устувор бўлган жойда адолатсизликка ўрин бўлмайди.

Шундай бўлса-да, айрим корхона, ташкилот раҳбарлари, «Мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритиши, фуқароларнинг ҳақли эътирозига, сабаб бўлмоқда.

Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев туман прокуратураси томонидан туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуасига қандай амал қилинаётгани ўрганиб чиқилганида оз бўлса-да лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар ҳам борлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексининг 181-моддасида — ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги: ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкинлиги, меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда, иккинчи қисмининг 3 ва 4 бандлари) каби интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлилиги, ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади, деб кўрсатилган бўлишига қарамасдан, бу қонун талабини ўзларича талқин қилган раҳбарлар қонунга хилоф равишда буйруқлар қабул қилинишига йўл қўйиб келганлар.

Вилоят электр тармоқлари корхонаси вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси, вилоят автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик бирлашмаси, «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти, вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси, Ф.Хўжаев туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси, Бухоро педагогика техникуми, вилоят болалар юқумли касалликлари шифохонаси мутасаддилари камчиликларга кўплаб йўл қўяётганлиги аниқланди.

Қуйидаги далилларга эътибор қаратсак, айрим раҳбарларнинг қонунлардан бехабар эканлиги ёки уни менсимаётганликларини англаб олса бўлади. Когон электр тармоқлари корхонаси бошлиғи С.Ражабовга интизомий жазо қўлланилиб, 2001 йил август ойи мукофот пулининг бир қисмидан маҳрум қилинган. Эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 3 ой муддатга бош муҳандис лавозимига ўтказилган.

Шу буйруқнинг 3 бўлим 3.1-бандига биноан ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, фойдаланишда режалаштирилган ишларни тўла ва сифатли бажармаганлиги, истеъмолчиларни сифатсиз электр энергияси билан таъминлагани учун Когон туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Н.Аҳмедовга интизомий жазо чораси сифатида август ойи мукофот пули 1,0 қисмга камайтирилган ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниб, 3 ой муддатга кабеллар бўйича уста вазифасига туширилган. Вилоят электр тармоқлари корхонаси «қонуншунослари» шу даражага етиб борганларки, меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларини бузган ана шу икки ходим кейинчалик яна қайта ўз ишларига ўтказиб қўйилган.

Битта хатти-ҳаракати учун 3та интизомий жазо қўллаб, ходимнинг

Қонун барчага баробар

Конституцион ҳуқуқларини камситилишига йўл қўйиб келганлигини корхона раҳбари билмаган дейсизми? Ёки вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси маъмурияти томонидан ҳам меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларини бузган ходимларга интизомий жазо чораси сифатида қонунда назарда тутилмаган, ходимларнинг мукофот пулларидан 50 фоизгача қисқартириш, уларга «қаттиқ огоҳлантириш» эълон қилиш, ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмаслик каби ҳолатлар нега керак бўлиб қолди экан?..

(Давоми 2-бетда)

Автотранспортчилар шиори:
ҲАР БИР ТАДБИР
меҳнаткаш турмуш тарзига ижобий таъсир ўтказсин

(Боши 1-бетда)

Шу ўринда биз бошланғич ташкилотларимизнинг ҳам бу ишда масъулиятини ошириш ҳамда уларга енгиллик яратиш маъносида амалдаги қонунлар асосида жамоа шартномаларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш учун махсус қўлланма чоп этдик. Бунда жамоа шартномаларига бағишланган, доимий фаолият юритувчи семинарлар яхши самара бермоқда. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси жамоа шартномаларини тўғри ва сифатли тузиш ҳамда амалга оширишда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Натижада, қатор корхона, ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари бу муҳим ҳужжатга масъулият билан ёндоша бошладилар. Жумладан, ўтган йилда 715 та корхона ҳамда ташкилотларнинг 97,5 фоизида жамоа шартномалари тузилди ва уларнинг барча бандлари мувафақиятли адо этилди. Шунингдек, 98 фоиз касаба уюшма аъзолари жамоа шартномаларида қайд этилган имтиёзлардан баҳраманд бўлишди. Яна бир қизиқарли далил, жамоа шартномаларидаги тадбирларни бажариш учун ҳар бир меҳнаткашга 31 минг сўмдан маблағ сарфланди.

Шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳам ўзаро ҳамкорлик асосидаги келишувлар ўз ижобий самараларини бермоқда.

Кейинги пайтда кўпгина тармоқларда, шу жумладан, автотранспорт ҳамда йўл қурилиши соҳасида маошни ўз вақтида тўлаш масаласида қатор муаммолар вужудга келди. Сўзсиз бу ҳолат бизнинг тизимдаги корхона ҳамда ташкилотларда ҳам учрамоқда. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ва унинг қуйи бўғинлари маошдан қарздорликни йўқотиш ҳамда бу ишда хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси томонидан 30 та корхона маъмурияти раҳбариятига расмий талабномалар юборилди. 5 нафар корхона раҳбари касаба уюшмаларининг талаби билан лавозимларидан четлаштирилди. Айрим ҳолатларда эса биз ишни судгача олиб боряпмиз.

Шу билан бирга биз жойлардаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий шерикчилик асосида айрим раҳбарларга дебитор қарздорликни камайтиришда ҳам ёрдамлашмоқдамиз. Шу ўринда маош тўлашнинг турли усулларидан фойдаланиш тўғрисида меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида жамоаларда ишчанлик муҳитини авж олдирмоқда.

Шу билан бирга биз иш берувчилар билан ҳамкорликда «Тармоқнинг энг яхши ҳайдовчиси», «Тармоқнинг энг яхши таъмирчиси» каби кўрикларни ҳам ўтказмоқдамиз. Бундай тадбирлар тармоқ касаба уюшмалари ҳамда республика тармоқ ташкилотлари раҳбарлари билан ижтимоий ҳамкорликни йилдан йилга мустаҳкамламоқда.

Тармоқда республикамизда биринчилардан бўлиб нодавлат ташкилот «Йўловчи» суғурта пенсия жамғармасини тузган эдик. Бу янгилик ижтимоий шерикчилик соҳасидаги янги изланишларимиздан бири бўлди. Бизнинг «Йўловчи» суғурта компаниямиз корхона ҳамда ташкилотлар, меҳнаткашларнинг шахсий маблағлари ҳамда банк дивидентлари ҳисобидан ташкил этилган. Суғурта қилинган киши пенсия ёшига етгач, давлат пенсиясига қўшимча равишда жамғармадан ҳам ойига пенсия олиб туради. Шу ўринда суғуртачининг айрим имтиёзлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У муддати етмасдан ўзи истаган вақтда ариза ёзиб, компания билан амалдаги шартномани тўхтатиши мумкин. Шу билан бирга унга ўзи ёки иш берувчи томонидан қанча пул тўланган бўлса, дивидентлари билан бирга қайтариб олиши мумкин.

Айни пайтда Тошкент вилоят юк ҳамда йўловчи ташиш ассоциацияси суғурта компаниясининг хизматларидан тегишли равишда фойдаланмоқда. Лекин, ҳали жамғарма маблағи кўнгилдагидек эмас. 100 миллион сўм атрофида, десак бўлади. Лекин, Марказий қўмита «Йўловчи» суғурта компаниясини меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим маҳкама деб ҳисоблайди. Шу сабабли Марказий қўмита ҳамда «Йўловчи» суғурта компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан касаба уюшмалари унинг ривожланиши учун амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, республикамиз бозор иқтисодиёти даврида ўз йўлини изчиллик билан амалга оширмоқда. Шундай шароитда биз касаба уюшма ходимлари тинимсиз изланишимиз лозим. Токи ҳар бир янгилигимиз меҳнаткашлар ҳаёт тарзига ўзининг ижобий тасирини кўрсатсин. Яна шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Биз касаба уюшма ходимлари ундан самарали фойдаланишимиз зарур. Зотан, ҳар бир қонун ёхуд ҳуқуқий ҳужжат меҳнаткашларимиз ҳаёти фаровонлигига хизмат қилсин.

Мираҳмад МИРҚОСИМОВ,
Республика автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси раиси.

Экология

«ЭКО-ВОҲА» ИШ БОШЛАДИ

Инсоннинг маънавий, иқтисодий, жисмоний ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни умумдавлат миқёсидаги асосий вазифалардан бири деб билди. Шундай бўлсада, ҳозирги даврда экологик фалокат, иқтисодий қийинчиликлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши инсоният олдига янги-янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Жумладан, Қуйи Амударё минтақасида экологик вазият тобора мураккаблашмоқда. Илмий-техника тараққиёти даврида табиатга антропоген муносабатларнинг салбий оқибатлари экологик ва табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг янада кескинлашувига олиб келди. Бу ўз навбатида табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини янада кучайтирди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон фаолиятини таъминлаш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан қатор тадбирлар ишлаб чиқилганлигидан ташқари халқаро миқёсдаги анжуманлар ҳам ўтаяпти. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар самарасиз кетгани йўқ.

Айтайлик, минтақада қўшма корхоналар ҳамкорлигида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Ёки аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишга, табиат бойликларини авайлаб-асрашга бағишланган ҳукумат қарорлари айнан ана шу йўналишларга хизмат қиляпти. Масалан, 1992 йилда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, Атмосфера, Ер, сув ҳақидаги ўнлаб қонунлар шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатларида ҳар бир фуқаронинг мамлакатимиз экологик муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этишлари алоҳида уқтирилди.

Айни пайтда экологик, иқтисодий, ҳуқуқий йўналишлар бўйича аҳолининг маънавиятини ошириш масаласи ҳам кўндаланг бўлиб қолди. Юзага келган бундай долзарб иш аҳолининг кенг қатламларини бевосита манфаатли ва хайрли ишларга жалб қилиш заруриятига айланиб боряпти.

Ана шулардан келиб чиқиб, хоразмлик бир гуруҳ ташаббускорлар ўтган йили Гурлан туманида «Эко — Воҳа» нодавлат нотижорат жамиятини тузгандилар. Яқинда эса уларнинг саъй-ҳаракати ўрганиб чиқилиб, вилоят Адлия бошқармасида давлат рўйхатидан ўтди. Яна бир жиҳати, мазкур жамият Хоразм воҳасида яшаётган кўплаб ёшларни ва бошқа турли соҳа кишиларини ўз сафига бирлаштирди.

Кўп бор таъкидланаётган бўлсада, айтиш жоизки, кейинги пайтларда Хоразм воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита сув муаммоси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Боз устига, вилоят аҳолисининг 74 фоизи асосан қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Бу жойларда яшаётганлар истеъмол қиладиган сувнинг катта қисми ер ости сувларидан иборат. Аммо, унинг сифати санитария ва гигиена талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, аҳолининг экологик маданияти ва экологик онги ҳам замон талаблари даражасига мослашган эмас. Бу эса ўз навбатида иқтисодий-ижтимоий муаммолар тезроқ барҳам топишига халал бермоқда.

Шу боис, бу муаммоларни тезроқ тугатиш мақсадида «Эко-Воҳа» жамияти ўз олдига баъзи мақсадли вазифаларни қўйган. Чунончи, экологик масалаларни ҳал қилишда давлатга кўмаклашиш, аҳоли истеъмол қилаётган ер ости сувлари таркиби ҳақида аниқ маълумотлар олиш, сув таркибидаги зарарли моддалар миқдорини камайтиришга йўналтирилган тавсия ва лойиҳаларни аҳолига тушунтириш, атроф-муҳит ва унинг ифлосланиши ҳақида доимий мониторинг ўтказиб туриш, ёшлар шуурида экологик маданият хислатларини шакллантиришда ташаббуслар кўрсатиш, бу борада семинарлар уюштириш, услубий қўлланмалар чоп қилиш, мактабларда экологик билимларнинг сифатли бўлишига кўмаклашиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш шулар жумласидандир.

Қисқа қилиб айтганда, «Эко-Воҳа» жамиятининг асосий мақсади ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида экологик, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ўрганиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол саъй-ҳаракатлар қилишдан иборат.

А.САЪДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат Университетининг иқтисод факултети доценти.

ТИББИЙ ШОҲОБЧА
маҳалла аҳлига бепул хизмат кўрсатмоқда

Самарқанд шаҳрининг Мингтут маҳалласи қадимдан ўзининг кўркамлиги, ободлиги ва сердарахтлиги билан машҳур. Қарияларнинг айтишларича, баҳаво масканда минг тупдан ортиқ ҳосилдор ва меваси ширали тут бўлган экан.

Маҳалла қўмитаси раислигига бир овоздан сайланган Сайёра опанинг ягона орзуси гузар қуришдан иборат эди. Шаҳар билан танишиб юрган вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевга учрашиб қолди-да фикрини очиқ баён этди.

— Жуда тўғри ўйлабсиз, — деди ҳоким. — Ёрдам берамиз.

Раҳбарларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли маъмурий идора, маҳалла посбони, участка нозири, маънавият ва маърифат маркази учун алоҳида хоналар, чойхона ва сартарошхонадан иборат гузар қад кўтарди. Энг муҳими касби шифокор бўлган Сайёра Муҳаммадиеванинг ташаббуси билан жамоатчилик асосида ишлайдиган тиббиёт пункти ва биринчи тиббий ёрдам бурчаги очилди. Турли миллатга мансуб бўлган 2200 нафар кишига беминнат хизмат кўрсатаётган шифо масканига беморлар тез-тез келиб туришади.

— Маҳалламизда 280 нафар қария яшайди, — дейди қўмита раиси. — Улар биринчи ёрдамни тиббий шоҳобчадан олишади. Оғир касаллар шифохонага ётқизилади. Доимий навбатчилик ташкил этилган. Маҳаллада истиқомат қилувчи терапевт Олимжон Сиддиқов, Муҳаббат Тожиева, гинеколог Анвар Охунов, невропотолог Зиёд Турсунов, қўли енгил ҳамширалар Орзигул Эргашева ва Санобар Боймирзаеваларнинг беминнат ва малакали хизматларидан кўпчилик мамнун.

Қарияларга алоҳида иззат-ҳурмат ва меҳрибонлик кўрсатилаяпти. Ёши 70-80 дан ошган уруш ва меҳнат фахрийлари бепул дори-дармонлар билан таъминланаяпти.

Маҳалла тасарруфидаги 8 та кўча, 6 та кўп қаватли уйнинг ҳовлилари ораста ва озода, атрофларига мевали дарахтлар, анвойи гуллар экилган. Айниқса, Абулғозий Баҳодирхон, Мингтут, Райҳон, Амир Темур кўчаларидаги саранжом-саришталик диққатингизни ўзига тортади.

Оқсоқоллар фаоллиги билан маҳалла ёшлари ўртасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Мактабни битирган ҳар бир ўғил-қиз бекор қолмаслиги учун тадбирлар ишлаб чиқилиб, йўл-йўриқ кўрсатилади. Ёшлар ўртасида маънавий-маданий, ватанпарварлик, одоб-ахлоқ мавзуларини қамраб олган суҳбатлар уюштирилади. Республика «Маҳалла» жамғармаси жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонини бажариш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Маҳалланг ота-онанг дейди халқимиз. Ватан остонадан бошланганидек маҳалла жамиятнинг асосий бўғини экан, ҳар бир инсон тарбияни оиладан сўнг аввало маҳаллада олишини унутмаслик лозим.

ЁЛҚИН.

«САЛОМАТЛИК» ЛОЙИҲАСИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Жаҳон банки ҳамкорлигида тузилган «Саломатлик» лойиҳаси қандай амалга оширилмоқда? Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ана шу мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мазкур халқаро молиявий муассаса вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

«Саломатлик» лойиҳаси 1999 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳа Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 70 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 40 миллион долларини Ўзбекистон ҳукумати ажратган. Қолган 30 миллион эса Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан қопланди. Уч йилга мўлжалланган лойиҳа шу йилнинг декабр ойида ўз ниҳоясига етади.

Лойиҳанинг мақсади қишлоқларда бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, у ерда ишлайдиган кадрларни қайта тайёрлаш, тиббиёт муассасалари бошқаруви ва молиялаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида айтиб ўтилган учта вилоятда 240 та қишлоқ врачлик пункти ва 35 та диагностика лабораторияси жиҳозланди. Бундан ташқари, 250 дан ортиқ шифокор қайта ўқитилди. Элликка яқин тиббиёт ходими хорижий давлатларда малака ошириб қайтди.

(ЎзА).

«Чирчиқ трансформатор заводи» очиқ акционерлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган трансформаторлар дунёнинг бир неча мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ш.АКРАМОВ олган суратлар.



КИТОБДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Вилоятда янги қуриб фойдаланишга топширилган коллежлар сони яна биттага кўпайди.

Китоб туманидаги 900 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежини қисқа муддат ичида қуриб фойдаланишга топширдик, - деди 225-кўчма механизациялашган корхонанинг бош муҳандиси Муҳсинжон Мухторов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу қурилиш-монтаж ишларига эса бир миллиард етти юз миллион сўм маблағ ажратилди. Касб-ҳунар коллежида маиший хизмат турлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, энг замонавий юз ўринга мўлжалланган ётоқхона ҳам талабалар хизматида.

- Ишларни кўнгилдагидек бажаришга ҳаракат қилдик, қурилишда ҳам рақобат кучли. Чиройли, сифатли қура билсанг бошқа янги объектларни қуришга таклиф қилишади. Корхонамизда 400 дан ошиқ ишчи хизматчиларнинг барчаси буни яхши билишади. Бу коллежни қурганимиздан сўнг бизга кўп таклифлар тушмоқда. Яна шундай коллежларнинг иккитасини қуришга буюртма олдик, - деди сўзининг якунида М. Мухторов.

«МЕН РАҲБАРМАН, МЕНИКИ ТЎҒРИ»
қабилида иш юритиш ноқонуний қарорлар қабул қилинишига сабаб бўляпти

(Боши 1-бетда)

Масалан, корхона маъмуриятининг буйруғи билан электр монтёр И.Губин 2001 йилнинг 7 сентябр куни ишга кеч келгани учун унга интизомий жазо чораси сифатида «ҳайфсан» эълон қилинган бўлса-да, қўшимча равишда сентябр ойи рағбатлантириш пулидан тўлиқ маҳрум қилинган.

«Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳам муҳандис техник ходимлар устидан талабчанликни сусайтиргани, ўзига юклатилган вазифани тўлиқ бажарилишини таъминламагани учун завод бош муҳандиси Б.Пўлатовни интизомий жазо чораси сифатида энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида жаримага тортган.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларида иш берувчи томонидан ходимлар меҳнат интизомига риоя қилмаганларида уларни сифати паст ишга кўчириш тақиқланган бўлишига қарамасдан, ҳиссадорлик жамияти маъмурияти томонидан меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларининг бузилишига йўл қўйган лаборант Г.Тўраевани 2 ой муддатга ёрдамчи хўжаликка сут соғувчи вазифасига, смена мастери Х.Рўзиевни муддатсиз тобловчи вазифасига, 3 цех ходими Ж.Ғаффоровни 3 ой муддатга завод ёрдамчи хўжалигига мол боқувчи вазифасига ўтказиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаган. Ҳиссадорлик жамиятидаги бундай қонунбузилиш ҳолатларидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бухоро автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик бирлашмаси маъмурияти томонидан 2001 йилда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган 195 та буйруқ қабул қилинган. Аммо, уларнинг 46 тасида меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқи камситилишга йўл қўйилган. Шунингдек, меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларига риоя қилмаганликлари, хизмат вазифаларини муносиб бажармаганликлари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун акционерлик бирлашмаси тизимидаги қуйи корхоналар раҳбарларидан ҳар ойда мукофот пулларининг 10 фоизидан 100 фоизигача босиб қолиш, «огоҳлантириш» эълон қилиш билан чегараланиб келинган.

Ёки Галаосиё автомобил йўлларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи И.Ҳожиев, хазиначи М.Жабборова, туман йўл фонди мутахассиси Н. Аҳмедовларга интизомий жазо чораси сифатида 2000 йил 4- чорак мукофот пуллари ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида камайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунининг 180-моддасида ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланиш мумкинлиги, интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди, деб кўрсатилган. Бинобарин, ходим ички меҳнат тартиб-қоидалари ёки меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйган тақдирда интизомий жазога тортилиши, интизомий жазонинг амал қилиш муддати бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги, агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган, деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли эканлигини бу корхоналар раҳбарлари билмаганми?! Ишониш қийин... Аксинча, вилоят электр тармоқлари корхонаси, вилоят магистрал электр тармоқлари корхонаси, «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва бошқа корхоналар томонидан интизомий жазога тортилган ходимлар мунтазам равишда рағбатлантирилиб келинганлигини қандай тушунса бўлади? Бу айрим раҳбарларнинг «меники тўғри» қабилида иш юритиши оқибатидир.

Ф.МАҲМУДОВ,
Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан

МИЛЛАТИМИЗ КЎЗ ҚОРАЧИҒИНИ АСРОВЧИ БИР КИПРИК ЭДИ



Ўзбек миллий адабиётини Ғафур Ғуломсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ғурур ва ифтихор билан ўз Ватани ва халқини тараннум этди. Академик шоирнинг қайси асарини ўқиманг, улар тарихимиз, миллий адабиётимиз, макон ва замон қадр-қиммати, ўзлигимиз, ўзбеклигимиз, демакки, миллий мафкурамиз ҳақида тўлқинланиб ёзилган. Бу эса шоирнинг катта иқтидор ва билим эгаси бўлганлигидан, ҳар бир ғояни қалби шуридан ўтказиб, халқига тақдим қилганлигидан далолат беради.

Иқтидорли адабиётшунос Раҳмон Қўчқор Ғафур Ғулом ҳақида сўзлаб «...миллатимиз кўз қорачиғини асровчи бир киприк эди ғўё», дейди. Унинг мумтоз маданиятимиз, тарихимиз, улуғ зотларимиз тўғрисидаги мақолаларини эслайлик. Ўзбек шаъни, феъли, унинг буюклари шахсини булғамоққа уринган кимсаларга қарши дадил курашганини ёдга олайлик. Чунончи, «Шарқдан келаётирман!» деб хитоб қилди у ўз шеърида. Бу билан дунё халқлари эътиборини яна бир бор Шарқнинг буюклигига қаратди.

Улуғ шоир доно ва содда, ҳазилкаш ва жиддий, самимий ва шижоатли инсон эди. Шу боис, «олмос парчаларида қуёш акс этганидек, Ғафур Ғуломнинг шарафли ҳаёт йўлларида, серқирра ижодида халқимизнинг тарихи ва тақдири мукаммал акс этгандир».

Дунё таниган ва тан олган буюк зотлар Файз Аҳмад ҳамда турк шоири Нозим Ҳикмат Ғафур Ғуломнинг дўстлари эди. Уни ҳатто АҚШ, Англия, Франция, Олмония ва Жазоирда ҳам яхши билганлар, асарлари Осиё, Африка ва Оврўпода қайта-қайта нашр этилган. У ҳамиша миллийликни, халқимизнинг ўзига хослигини куйлаб яшади.

Жаҳондаги машҳур адибларнинг Ғафур Ғуломни тан олишининг «сири» ҳам •аслида шундадир.

«У донолар даврасида доно эди. У Бедилни, Ҳофизни, Жомийни севиб ўқирди. Озарбайжон, тожик, туркман, уйғур, қозоқ, татар, қирғиз тилларида бемалол гаплаша оларди», деб ёзади Саид Аҳмад Ғафур Ғулом ҳақидаги хотираларида.

Ғафур Ғулом том маънода адабиётимизнинг тарихчи-тадқиқотчиси эди. У халқ орасида юриб, Муқимий асарларини изларди. Шоирнинг «Фоктур бой», «Лахтак», «Қурбақалар» шеърларини биринчи бўлиб Ғафур Ғулом кашф қилди. Яна бир шеърини Андижон вилоятининг Ойим қишлоғида яшовчи Мулла Абдураззоқ деган шахсдан олди. Шунингдек, аллома ўзбек миллий-озодлиги учун курашган Фурқат, Аваз Ўтар ижодларига доир илмий-текшириш ишлари олиб борди. У Фурқатнинг янги ғазалларини топиб, матбуотда эълон қилди.

Ғафур Ғулом 1964 йилда Қобул шаҳрида Абдураҳмон Жомий таваллудининг 550 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этиб, «Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши» деган мавзуда нутқ сўзлади. Академик шоир ушбу нутқида ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихини таҳлил қилиб, XV асрнинг икки буюк сиймоси — Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги жаҳон адабиёти тарихида жуда кам учрайдиган мустаҳкам ва самимий дўстлик ҳамда ижодий ҳамкорлик қирраларини очиб берди.

У Афғонистонда бўлганида адабиётимиз тарихига оид шахслар билан қизиқди. Ҳиротда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Гавҳаршодбегим, мавлоно Жомийларнинг қабрларини зиёрат қилди. Алломанинг шахсий архиви билан танишиш жараёнида «Сайдаҳмад уста Саидазим ўғли Василий», «Ажзий Ҳуқандий», «Маҳмуджон Абдулкарим ўғли», «Мир Маҳмуд Шамсиддин ўғли — Қори», «Ўзбек шоираси Меҳри» каби шоирлар ва шоиралар ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли маълумотлар гувоҳи бўлди. Уларни чуқур тадқиқ қилиш эса миллий адабиётимиз тарихини қизиқарли, ҳаққоний ҳужжатлар билан тўлдирди. Ардоқли ва атоқли шоир ислом дини тарихининг катта билимдони бўлган. Унинг ўнлаб илмий-маърифий мақолалари фикримиз исботидир. Шоир Турсунбой исмли шахсга йўллаган мактубида «кофур» сўзининг илмий-тарихий келиб чиқиши ҳақида ёзганки, бу ҳақиқатга ҳар қандай исломшунос олим ҳам тан бермай иложи йўқ. Чунончи, «...7-саволингга жавоб шулки, - деб ёзди аллома, - кофур - кофир сўзлари бир-биридан мутлақо фарқ қилади: кўз билан кузга ўхшаган. «Кофур» сўзи — Капкур оролининг бузилган номи. Бу оролдан юрак учун даво бўлган «камфара» мойи олинарди. Навоий даврида шамларнинг мойига ушбу камфара қўшиб ёқилар эди. Шам айрича ҳид берар эди. «Шамъи кафури» дегани камфара қўшилган шамга нисбат берилиб айтиларди. «Кофир» сўзида — бу ислом динига ёт одам тушунилар эди». Ғафур Ғулом сўз санъатини чуқур эгаллаган йирик тадқиқотчи олим эди.

Аллома шоир қаергa бормасин, дўстлар орттирар ва улар билан ижодий ҳамкорлик қиларди. «Халқларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар тикланишидан олдин ўзаро одатий делегациялар алмашиш пайтида дўстлик янада кучайиши мумкин», деб мактуб йўллаган эди шоирга японияли дўсти М.Иноуэ. Орзу қилинган учрашув насиб этмади. Чунки, ўша даврда кунчиқар мамлакатга бориб келишнинг ўзи бўлмасди?!

Ҳар иккала аллома орзу қилган қутлуғ ва муқаддас тарихий кунларга Истиқлол туфайли етиб келдик. Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, ижодий, маданий-маърифий ҳамда иқтисодий муносабатлар равнақ топмоқда. Бу муборак дамларни Ғафур Ғулом билан М.Иноуэ орзу қилиб, етишолмаган эдилар. Эндиликда уларнинг ворислари ўша васиятни — дўстлик ва ҳамкорликни амалга оширмоқдалар.

Ватан мустақиллигини орзу қилиб яшаган, миллий тил, миллий адабиёт ва миллат учун фидойи инсон, марҳум шоир 2000 йилда «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди. Бу адабий, тарихий мероси билан ўзига ўлмас ҳайкал ўрнатиб кетган академик шоирга ҳурмат ва эҳтиром рамзи эди.

Ғафур Ғулом нафақат улкан ижодкор, балки, ўз халқининг тарихи ва маданиятини мукаммал билган мутафаккир аллома, меҳрибон устоз, меҳрибон ота, бағри кенг дўст эди. Унинг хонадони ҳамиша ижодкорлар, олимлар, санъаткорлар ва турли касб эгалари ташриф буюрадиган маънавий масканга айланган эди. Шоирнинг дўстлари жуда кўп эди. К.Чуковский, Н.Погодин, М.Бажан, С.Вурғун, М.Турсунзода, С.Муқонов, С.Данилов, С.Олейник каби атоқли ижодкорлар қатори япон, немис, ҳинд, афғон, покистон, турк, француз, инглиз ва бошқа халқлар адабиётлари намояндалари унинг қутлуғ хонадонида меҳмон бўлишган. Улар Ғафур Ғулом тимсолида Ўзбекистонни, ўзбек халқининг олижаноб хислатларини кўрардилар.

Мустақиллик туфайли Ғафур Ғулом қайта туғилди, қайта яралди ва абадулабад ўзбек адабиётининг байроқдорларидан бўлиб қолди. Ҳақиқий шоирлар ўз ижоди билан халқ қалбида мангу барҳаёт яшайди, деганлари айни ҳақиқатдир.

Карим НОРМАТОВ.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЯҚИН ШАРҚ: ВАЗИЯТ ҲАМОН КЕСКИН

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоси ҳамон долзарб бўлиб турибди. Халқаро ташкилотлар, мазкур минтақада осойишталик ўрнатилишини истаётган жаҳон жамоатчилиги Исроил билан Фаластин муҳторияти ўртасидаги муносабатларнинг ижобий изга тушиши йўлида катта саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқдалар. Бироқ, «мушкул тугун»ни ечиш ўта қийин бўлмоқда. Урдун дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақасидаги шаҳарларда ҳаёт қисқа муддат изга тушиб, яна издан чиқиб кетмоқда. Исроил ҳарбийлари қатор шаҳарларга ўзининг жанговар машиналарини, танкларини киритиши натижасида кенг қамровли вайронагарчиликлар рўй бермоқда. Натижада тинч аҳоли орасида қурбонлар кўпаяётир.

Бундай вазият Исроил билан Фаластин муҳториятига чегарадош мамлакатлардаги умумий ҳолатга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Саудия Арабистони осмонларида Исроил самолётларининг пайдо бўлиши муносабати билан мамлакат раҳбарияти Табук шаҳрига ўзининг ҳарбий қисмларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Бирон кор-ҳол рўй бергудек бўлса, улар давлат чегараларини муҳофаза этиш учун қатъий чоралар кўришга тайёр бўлиб турибдилар.

НОҚУЛАЙ АҲВОЛДА

Исроил билан Фаластин ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган пайтда вақтинча тўхтатилган жиноий иш яна қўзғатилди. Ў бош вазир Ариэль Шаронга даҳлдор бўлиб, бош вазир мазкур лавозимга сайловлар ўтказиш пайтида ташвиқот-тарғибот тадбирларини олиб бориш учун ноқонуний равишда 5 миллион шекел (1,1 миллион доллар) маблағни ўзлаштирган. Ушбу пуллар Ликуд партияси сайловолди ишларига сохта «Апекс мехкарм» фирмасидан келиб тушган экан. Бош вазир ўз хонасида терговчилар томонидан сўроқ қилинди. Маълум бўлишича, нохолис пулларни жамлаш ишларида бош вазирнинг ўғли Омри, сайловолди штаби бошлиғи Реувен Адлер, вазирлар маҳкамаси девони бошлиғи Ури Шани, бош вазирнинг шахсий адвокати Дов Вайсгласлар ҳам фаоллик кўрсатишганлиги тўғрисидаги далиллар жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари томонидан турли мақомда кенг шарҳланмоқда. Бу ҳолат, шубҳасиз, бош вазирнинг обрўйига ёмон таъсир кўрсатмоқда.

ЖАНГАРИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар ҳамон кўнгилдагидек изга тушмаётир. Чунки, ҳар икки томон маъмурлари бир-бирларини турли гуноҳлар билан айбламоқдалар. Бундай қилинишига ҳар куни жойларда рўй бераётган нохуш воқеалар ҳам сабаб бўлмоқда. Яқинда Ҳиндистон хавфсизлик кучлари томонидан Жамму ва Кашмир штатига ўтишга уринган олти нафар жангари йўқ қилинди. Аниқланишича, чегарабузарларнинг тўрт нафари Покистон фуқаролари экан.

НОМАЪЛУМ ХАСТАЛИК

Мана, бир неча кун бўлдики, Грециядa ва унга қўшни бўлган мамлакатларда шов-шувга сабаб бўлган хабарлар тарқалмоқда. Гап шундаки, бунга Греция ҳудудида аниқланган номаълум эпидемиологик хасталик сабаб бўлди. Унинг оқибатида бир неча киши вафот этган. Шифокорларнинг аниқлашича, бу касаллик зоҳиран жиддий дардга ўхшамайди. Унинг белгилари оддий шамоллашни эслатади. Бироқ, у инсоннинг нафас олиш йўлига, юрак тизилмаларига ҳуруж қилиб, дарҳол ҳолдан тойдиради. Ҳозирча унга қарши бирон-бир ҳимоя воситаси топилганича йўқ. Натижада, барча мактаблар, болалар муассасалари, олий ва махсус ўқув юртлари ўз фаолиятларини уч ҳафталик муддатга тўхтатдилар.

114-УНСУР

АҚШ олимлари Дубна (Россия)даги бирлашган ядровий тадқиқотлар институти мутахассислари билан ҳамкорликда Менделеев даврий жадвалида 114-ўринда турган унсурни кашф этишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирча янги унсурга «Унунквадий» деб ном бердилар. У энг нодир ва энг оғир унсур ҳисобланади. Унинг таркибида 114 та протон мавжуд бўлиб, ғоят мустаҳкамдир. Аммо ҳозирча 113-унсур топилмаган, деб ёзади Олмонияда чиқадиган «Фокур» журнали.

ЕТТИ ЭГИЗАК

Яқинда биз олти нафар эгизак туғилганлиги тўғрисида хабар берган эдик. Энди АҚШнинг Небраска штатидан яна бир хушхабар келди. Шаҳар университети шифохонасига келтирилган Роза Макхилл деган аёл етти нафар эгизакни дунёга келтирди. Бу инсоният тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир, деб изоҳ берди «Чикаго сан» газетаси.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

«Умид ниҳоллари-2002»

ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

Фарғоналиклар томонидан мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун пухта тайёрланган спорт иншоотларида «Умид ниҳоллари» мусобақалари муросасиз равишда давом этмоқда. Баҳсларнинг дастлабки кунларидаёқ кувонарли натижалар қайд этилди. Табиийки, янги чемпионлар номи ҳам аниқланди.

ХАЛҚАРО КУРАШ

Кейинги йилларда спортнинг бу тури нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам жуда оммавийлашиб кетди. Шу боис, ёшларимиз ўртасида халқаро курашга бўлган қизиқиш янада ортди.

Фарғона вилоят махсус футбол лицейининг спорт залида бўлиб ўтган ёш полвонлар беллашуви ҳаяжонли онларга бой бўлди. Вазни 50 кг.гача бўлган курашчилар баҳсида навоийлик Исмоил Қурбонов ғолиб бўлган бўлса, 55 ва 60 кг вазнли тоифада қашқадарёликлар Баҳриддин Саломов ва Аброр Чориевлар олтин медалли бўлишди. 65 кг вазнда яна бир Навоий вилояти вакили Улуғбек Мажидов зафар қучган бўлса, 71 ва 77 кг вазнли полвонлар баҳсида яна омад Қашқадарё вакилларига кулиб боқди. Рустам Авлиёқулов ва Фарҳод Сафаровларга рақиблари имкониятни бой беришди. Вазни 77 кгдан юқори бўлган полвонлар баҳсида бухоролик Алишер Қурёзов мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида 13 очко билан қашқадарёлик курашчилар биринчи, 11 ва 10 очко тўплаган Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларнинг соҳиби бўлишди.

ФУТБОЛ

27 апрел куни саралаш баҳсларининг сўнгги ўйинлари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди.

Жиззах - Наманган - 0:1, Навоий - Самарқанд - 1:2, Сурхондарё - Тошкент вилояти - 0:0, Хоразм - Қашқадарё - 3:1, Андижон - Тошкент шаҳри - 1:3, Қорақалпоғистон - Бухоро - 0:3.

Саралаш баҳсларини юқори савияда ўтказган Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона, Сурхондарё, Наманган вилоятлари жамоалари ярим финалга йўл олишди. Айнан улар иштирокидаги баҳслар чемпион ва совринли жамоалар номини аниқлаб беради.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

1500 метр масофага югуриш баҳсларида андижонлик Ирина Мароз (қизлар) ва Амир Гарифулинлар (ўсмирлар), 400 метрли баҳсда Алена Скварцова (Самарқанд) ва Данил Папов (Тошкент), 100 метрли масофада Гаянэ Белорян (Самарқанд) ва Василий Гинатулинлар (Тошкент) олтин медал соҳиби бўлишди. Ядро улоқтириш баҳсида Ўткир Файзиматов фарғоналикларга дастлабки олтин медални ҳадя этди. Қизлар баҳсида тошкентлик ядро улоқтирувчи Юлия Тарасова зафар қучди.

БАСКЕТБОЛ

Қизлар баҳсида ярим финалчилар аниқланди. Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Андижон жамоаларининг ўзаро баҳсида дастлаб финалчилар, сўнгра эса ғолиб жамоа аниқланди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақанинг финалчилари кеча аниқланди.

ҚЎЛ ТЎПИ

Ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги мусобақаларда ярим финалда иштирок этиб, медаллар тақдирини ҳал қиладиган жамоалар аниқланди.

Қизлар ўртасидаги мусобақанинг ғолибини Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилояти жамоаларининг ўзаро баҳсидан сўнг билиб олсак, ўсмирлар жамоалари совриндорларини Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Андижон жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган ярим финал ва финал ўйинлари аниқлаб беради.

СУЗИШ

Сузувчилар баҳси энг шов-шувли натижалар қайд этилаётганлиги боис, барчанинг эътиборини тортмоқда. Биргина тошкентлик Мария Бугакова сузишнинг тўрт усулида тўртта олтин медални қўлга киритгани барчани ҳайратга солди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар яққол пешқадамлик қилишмоқда.

Шахсий баҳсларда тошкентлик Юлия Жудро (2 та), наманганлик Ольга Кочергиналар ҳам олтин медалли бўлишди. Ўсмирлар баҳсида Тимур Бакиров, Сергей Анишенко, Никита Паляковлар шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди.

Шаҳмат, волейбол, теннис, стол тенниси, белбоғли кураш турлари бўйича баҳслар қизғин давом этмоқда.

Мўйдинжон СОБИТОВ.

Мини футбол: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун

Республикамиз ҳукумати, хусусан, мухтарам Президентимиз Ислом Каримов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги Қонуни, Ўзбекистонда 1999-2005 йилларда футболни ривожлантириш бўйича Миллий дастурнинг бажарилиши йўлида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун тармоқлараро касаба уюшмалари жамоалари ўртасида мини футбол бўйича республика якуний мусобақалари ҳам худди ана шу эзгу ишларнинг давомидир.

МАЙДОНДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

Кеча қизиқарли мусобақалар Миллий университет спорт мажмуида тантанали суръатда бошланди. Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси янграб, мусобақа байроғи кўтарилди. Спортнинг энг оммавий ҳисобланган бу тури миллионлар қалбини забт этган. Эътиборлиси шуки, спорт, хусусан, мини футбол ҳам меҳнаткашларни соғломлаштириш, уларга жўшқинлик, кўтаринки руҳ бағишлашда беқиёс аҳамият касб этади. Шу маънода мазкур турнир барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Қуръа ташлаш бўйича турнирнинг «А» гуруҳида тўп сураяпмиз, - дейди Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Алоқачи» жамоаси ҳимоячиси, «Уздунробита» қўшма корхонаси етакчи мутахассиси Журъат Ғаниев. - Қарангки, мазкур гуруҳда ўтган йилги беллашувларда биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар бирлашдилар. Шу боис, ҳар бир учрашув муросасиз курашлар остида ўтиши кутилмоқда.



Рақибимиз — «Автомобилчи» жамоаси тайёргарлик машқларини яхши ўтказиб, беллашувларга кўтаринки кайфиятда келганлиги дарҳол сезилди. Бироқ, бизнинг йигитлар бўш келишмади. Бир томондан омад ҳам кулиб боқди. Пировард натижада муҳим ғалабани қўлга киритдик.

Таъкидлаш лозим, «Алоқачи» жамоасининг ғалаба қозонишида энг яхши ҳужумчи, Алоқа институтининг лаборатория мудири Абдурашид Маматқуловнинг ҳиссаси катта бўлди. У шиддатли ҳужумлар уюштириб, рақибларини шошириб қўйди, қулай имкониятлардан унумли фойдаланди. Пировард-натижада ҳисоб 3:1, «Алоқачи» ғалаба нашидасини сурди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Марказий» ва Авиаходимлар касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Авиатор» жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам чиройли комбинациялар, ҳаяжонли онларга бой бўлди. Спорт мажмуасига йиғилган кўплаб мухлислар турнир иштирокчиларини қизғин қарсаклар билан олқишлаб турдилар. Барчада катта қизиқиш уйғотган мазкур учрашувда 5:5 дуранг натижаси қайд этилди.

— Мини футболнинг ўзига яраша жозибаси бор, - дея фикрини ифодалайди «Марказий» жамоаси сардори Султонбек Ошуров. - Қайси жамоа бир-бирини тушуниб, ҳамжиҳат ўйнаса, ҳужумга зўр берса, ғалабага эришади. Дастлаб чамаси ҳаяжонимизни босолмадик. Аммо, иккинчи бўлимда ўзимизни тутиб олгач, ўйин анча қовушди ва сўнгги дақиқаларда ҳисобни тенглаштириш муваффақ бўлдик. Бу натижа ҳозирча бизни қаноатлантиради.

Майдонда кучсизлар бўлмайди, деб тўғри айтишади. Ҳар бир жамоа аъзоси нимага қодир эканлигини астойдил кўрсатишга интилди. Бироқ, энг маҳоратли, жисмонан чиниққан, тўп суриш ҳадисини олган, кучли зарбаларга эга бўлганларгина ғалаба нашидасини суришди.

Турнирнинг биринчи куни Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Бунёдкор» ҳамда Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Зафар» жамоаси ўртасидаги ўйинда 4:12 натижа қайд этилди. Ғолиб «Зафар» жамоаси. Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Тадбиркор» ва Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Темирйўлчи» жамоаси баҳслари 7:2 ҳисобида «Тадбиркор» фойдасига якунланди. Бошқа мусобақалар ҳам ҳаяжонли онларга бой бўлди.

Турнир баҳслари давом этмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.
И.ХАСАНОВ олган суратлар.



МУЗЛАТИБ ТАЪМИРЛАНАДИ

Швейцариялик мутахассислар қувурларнинг суви ва буғини тўхтатмасдан таъмирлаш усулини топишди. Қувурнинг таъмирланадиган жойига музлатилган махсус қурилма туташтирилади.

Шундан кейин ўша жойдаги сув ёки буғ музлаб қолади-да, қувур бемалол таъмирланади.

ВАКУУМ ШАРОИТИДА ТОБЛАШ

Қадимги усталар метални турли-туман усуллар билан тоблашган. Баъзилар қиздирилган метални оддий сувга солишган, бошқалар эса тузли сувга, айримлари зайтун мойига солишни афзал кўришган.

Бир хил одамлар, ханжарни фақат мусалласга солиб тоблаш мумкин, деб ҳисоблашган. Бир ривоятда нақл қилинишича, аллақандай темирчи қиздирилган қилични от чоптириб, қаршидан эсаётган шамолга тутиб тоблаган экан.

Белгиялик мутахассислар пўлат маҳсулотларини вакуум шароитида тоблашни ўртага ташлашди. Бунинг натижасида металл асбобларнинг чидамлилиги бир ярим баровар ошади.

А.АЛИЕВ.

Юртбошимиз 1997 йил 10 май куни «Сурхон-Аджанта ЛТД» қўшма корхонаси иш фаолияти билан танишиб, қулай табиий иқлим шароитида ўсаётган турфа хил гиёҳлардан дори-дармон тайёрлашни яхши йўлга қўйиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

«ШАРҚ ТАБОБАТИ»НИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИ

Табиий иқлим шароитида ўсадиган ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш фикри тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳром Вафоқуловга азалдан тинчлик бермасди. 1991 йилда Самарқанд филиали сифатида иш бошлаган «Ўзфармсаноат» концерни тасарруфидаги Республика зардоб ва вакциналар илмий-текшириш институти 1994 йилда «Шарқ табобати» илмий-тадқиқот институтига айлантирилганда ҳеч қандай моддий-техника базасига эга эмас эди.

Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган фидоий профессорнинг елиб-югуришлари натижасида институт фаолиятини ривожлантиришда дастлабки хайрли қадамлар қўйилди, илмий-техникавий ва кадрлар заҳираси яратилди. Қалб даъвати ва виждон амри билан ишга киришган олийгоҳ олимлари томонидан Зарафшон воҳасида ўсадиган доривор ўсимликларнинг 600 дан ортиқ турлари аниқланди.

Ҳозирда мазкур илмгоҳда 3 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди, кўплаб тиббиёт, фармакология, микрибиология, биокимё, иқтисодиёт бўйича мутахассис бўлган тажрибали ва истеъдодли ходимлар ишламоқдалар. Институтда беморлар учун зарур бўлган 30 турдаги дори-дармонлар тайёрланмоқда. Яна 30 турдаги дори воситалари яратиш устида изланишлар олиб бориляпти.

Халқ табобати ва замонавий тиббиётда ўсимликлардан тайёрланган оддий ва мураккаб дориларнинг инсон жисми учун фойдаси каттадир. Чунки, улар ёрдамида даволанган беморларда табиий воситалар ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Абу Бакир ар-Розийнинг «Касалликлар тарихи» китобида қайд этилган 317 та шифобахш воситаларнинг 224 тасини доривор ўсимликлар ташкил қилади. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида тавсифланган 810 та табиий шифобахш неъматнинг 506 таси доривор ўсимликлар сирасига киради.

Серқуёш ўлкамиз табиати ва наботот дунёси бой ва такрорланмасдир. Бироқ, халқ табобати ва анъанавий тиббиётда қўлланиладиган ўсимликлар ҳали ҳар тарафлама текширилмаган ва уларнинг шифобахшлик хусусиятлари илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган. Институт жамоасининг эндиликдаги вазифаси — дармондориларга бой ўсимликларнинг фармакологик таъсирини кенг қамровли ўрганиш, доривор гиёҳларнинг янги навларини кўпайтиришдан иборатдир.

Тиббиёт фанлари докторлари Б.Вафоқулов, М.Аҳтамов, Я.Қурбоев фан номзодлари В.Шегай, Г.Вафоқулова, Ж.Ҳатамов,, Ю.Баратов, В.Поповалар қандли диабет, камқонлик, юқори нафас йўллари, жинсий аъзолар яллиғланиши, юрак-қон томири, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, бавосил касалликларини даволашда ишлатиладиган дориларни тайёрлашни йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқдалар. Бундан ташқари мойчечак гуллари, далачой, кийикўт, пудина, маккажўхори пўпаги, ток баргидан тайёрланадиган «Карминаф», қизил дўлана, аччиқ қалампир эритмаси, ўт ҳайдайдиган йиғма, наъматак илдизларидан витаминга бой ичимликлар ишлаб чиқарилаяпти.

Табиий ўсимликларни кўпайтириш, миллий фармацевтика корхоналари хом ашё базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий заҳиралардан самарали фойдаланиб, арзон, экспортбоп дори-дармонлар ишлаб чиқариш мақсадида Республика ҳукуматининг 1998 йил 28 декабрдаги қарорига асосан Нуробод туманидаги «Сазағон» ширкат хўжалиги ҳудудидан 1,8 минг гектар, шу жумладан, 1215 гектар тоғ олди ва яйлов майдонлари, 583 гектар лалмикор ерлар ажратилган эди.

Тадбиркор жамоанинг саъй-ҳаракатлар билан янги ерлар ўзлаштирилиб, «Тепакўл» аҳоли маскани ободонлаштирилди. «Янги» канали, 1 километрли электр тармоқлари қурилиб, ичимлик суви олинадиган артезиан қудуқлари қазилди. Шунингдек 170 гектар майдоннинг 65 гектарига 22 хилдаги доривор ўсимликлар экилиб. 2 гектарда мевали дарахтлар, 2 гектарда қизил дўлана, 20 гектарда маккажўхори, 3 гектарда аччиқ қалампир, 5 гектарда наъматак парвариш қилинмоқда.

Ишлаб чиқилган дастурга асосан ерлар босқичма-босқич ўзлаштирилиб, 50 дан ортиқ шифобахш неъматлар ўстирилиши режалаштирилган. Дастлаб наъматак, тирноқгул, сариқ ўрмонқора, доривор мойчечак, катта зубтурум, тоғ райҳони, тешик баргли далачой, ялпиз, қалампир, мармарак, маккажўхори каби ўсимликлар экилди. Сув таъминоти яхшиланса, боз устига бу ерларда оддий зира, арпабодиён, ўлмасўт, арслон қуйруқ, дўлана, бўйимадорон, қадиўт, тухумак, ширинмия сингари ўсимликлар ниҳоллари ўстирилади.

Шу тариқа тахминий ҳисоб-китобларга кўра, келажакда ҳар йили 300 тонна хом ашё, 10 тонна маккажўхори пўпаги ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкони туғилди. Иқтисодий таҳлиллар кўрсатиб турибдики, агар 20 миллион 557 минг сўм харажат қилинса, 51 миллион 308 минг сўм даромад олиш мумкин. Шунинг 31 миллион 931 минг сўмини соф фойда ташкил қилади. Энг муҳими қишлоқ ҳудудида бекор юрган 500 га яқин ёшлар иш билан таъминланади.

— Вилоят ҳокимининг амалий ёрдамидан жамоамиз миннатдор, - дейди профессор Б.Вафоқулов. — Мақсадимизни тўғри англаб, доривор ўсимликларни кўпайтириш учун ҳамма шароитларни яратиб беряпти. Натижада ишларимиз анча олға кетди.

Ҳақиқатан ҳам вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-озодалик тадбирлари кенг кўламда ўтказилаётганлиги, тиббий муассасалар фаолиятини яхшилашга эътибор оширилганлиги юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини йўққа чиқармоқда.

Ўзбекистон фармацевтика саноати учун бир йилда 965 тонна хом ашё талаб этилар экан. Ҳозирнинг ўзида доривор ўсимликлар етказиб беришни сўраб Олмония, Болгария, Россия, Бошқирдистон, Украина ва Қозоғистоннинг Чимкент вилояти фармацевтика саноати корхоналаридан буюртмалар тушаяпти.

Эндиликда «Шарқ табобати»нинг хайрли саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш пайти келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 283-сонли қарорида тиббиёт ва фармацевтика саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида катта имтиёз ва тадбирларни амалга ошириш назарда тутилганлиги бежиз эмас.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6